Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2017 йил
22 ноябрь
ЧОРШАНБА
№ 94 (13042)

www.thtp.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Валюта сиёсатини либераллаштириш шароитларида республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2017 йилнинг 1 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,15 баравар оширилсин.

2. 2017 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 172 240 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 336 880 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 336 880 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 206 720 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2017 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Давлат бюджетидан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2017 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 августдаги ПФ-4822-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2017 йилнинг 1 декабридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси молия вазири Б. А. Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 20 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҲУНАРМАНДЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон халқларининг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш ва кўпайтириш, миллий ҳунармандчилик, халқ бадиий ва амалий санъатини янада ривожлантириш, ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича мақсадли ва комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шу асосда аҳоли, айниқса, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар республикамизда миллий ҳунармандчилик, халқ бадиий ва амалий санъатини (кейинги ўринларда ҳунармандчилик деб аталади) янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

биринчидан, ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар ва оилалар, айниқса, янгитдан ўз фаолиятини бошлаган ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, "Уста – шогирд" мактаблари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш ва шу асосда янги иш ўринлари ташкил этиш;

иккинчидан, ҳунармандчилик субъектларига давлат рўйхатидан ўтишда кўмаклашиш, уларга ер майдонлари ва бинолар ажратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш, уларни асбоб-ускуналар, жиҳозлар, хом ашё ва материаллар билан узлуксиз таъминлаш, уларга имтиёзли кредитлар бериш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш;

учинчидан, халқ ҳунармандчилиги ва ижодий анъаналари кенг ривожланган шаҳар ва туманларда ҳунармандчиликни ривожлантириш марказлари ташкил этиш, ҳунармандчиликнинг ноёб турларини қайта тиклаш ва янада ривожлантириш, истеъмолчиларга ҳунармандчилик маҳсулотлари етказиб бериш учун бозор инфратузилмасини шакллантириш;

тўртинчидан, ҳунармандчилик маҳсулотларини экспорт қилишни рағбатлантириш, хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма ва ярмаркаларда миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини тақдимот қилишга кўмаклашиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва "Ҳунарманд" уюшмасининг қуйидаги таклифлари қабул қилинсин:

"Ҳунарманд" уюшмасини Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига уюшган аъзо сифатида аъзолик бадали тўловисиз киритиш;

"Ҳунарманд" уюшмаси раисини мавқеи бўйича Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосарига, "Ҳунарманд" уюшмасининг ҳудудий бошқарма бошлиғини Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқарма бошлиғи ўринбосарига тенглаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги туман ва шаҳар Тадбиркорларга кўмаклашиш марказлари томонидан ҳунармандларга ўз тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришга кўмаклашиши бўйича сўзсиз равишда хизматлар кўрсатиш, жумладан, ўз бизнесини ташкил этиш ва ривожлантириш кўникмаларига ўргатиш, ҳунармандчилик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, янгитдан ўз фаолиятини бошлаётган ҳунармандчилик субъектларига кўргазмалар ташкил этишни назарда тутиш.

3. 2017 йилнинг 1 декабридан бошлаб ҳунармандчилик субъектлари – "Ҳунарманд" уюшмасининг аъзолари:

ҳунармандчилик фаолияти маҳсулотлари (товар, иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотишда қатъий белгиланган солиқдан озод этилиши;

ёшга доир пенсия ва нафақа олувчилар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадали тўловидан озод этилиши;

қишлоқ жойларда рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган ҳунармандлар ўз фаолиятининг дастлабки икки йили мобайнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган суғурта бадалининг 50 фоизини тўлаши белгилаб қўйилсин.

4. Қуйидагилар:

ҳунармандчилик фаолиятининг асосий йўналишлари, ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилаётган буюм ва товарлар (иш, хизматлар) турларининг янгиланган рўйхати 1-иловага мувофиқ;

2018-2019 йилларда Ўзбекистон Республикасида ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш йиғма дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 2-иловага мувофиқ, шунингдек, 2018-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишнинг манзилли дастурлари 2.1-2.14-иловаларга мувофиқ;

2018-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳунармандчилик объектларини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар (кейинги ўринларда Комплекс чора-тадбирлар деб аталади) 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси А. И. Икромовга, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири А. А. Хаитовга, "Ҳунарманд" уюшмаси раҳбарларига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига, вазирлик, идора, тижорат банклари ҳамда масъул ижрочи ташкилотлар раҳбарларига Дастур ва Комплекс чора-тадбирларни белгиланган муддатларда сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида амалга ошириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, "Ҳунарманд" уюшмаси, бошқа масъул вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишларини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий комиссиялар (кейинги ўринларда ҳудудий комиссиялар деб аталади) 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Қуйидагилар ҳудудий комиссияларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

тегишли ҳудудларда манзилли Дастур ва Комплекс чора-тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ҳунармандчиликнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммоларни, жумладан, уларга ер майдони, бинолар ажратиш, уларни ишлаб чиқариш ва коммуникация объектларига уланиш, кредит ресурслари ва хом ашё билан таъминлаш масалаларини ўз вақтида ҳал этиш;

ҳудудларда ҳунармандчиликни ривожлантириш марказларини қуриш ва реконструкция қилиш, жумладан, ушбу марказлар қурилишининг манзилли рўйхатини ишлаб чиқиш, уларга ҳунармандчилик субъектларини жойлаштириш, қурилаётган объектларнинг намунавий лойиҳасини тасдиқлаш ишларини мувофиқлаштириш;

ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни сотиш, шунингдек, экспорт қилишга кўмаклашиш бўйича ҳудудларда чора-тадбирларни амалга оширишни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси ҳисобидан аҳолининг ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорлик, касаначилик соҳаларида бандлигини ошириш учун ҳунармандчилик ва тадбиркорлик субъектларига имтиёзли микрокредитлар бериш бўйича, банк кредит сиёсатига аралашмаган ҳолда, "Микрокредитбанк" АТБ тавсиялар тақдим этиш.

Давоми 2-бетда.

Иброҳим Ғафуров таваллудининг 80 йиллигига

Мамлакатимизда адабиёт ва санъатга эътибор бугун ҳар қачонгидан ҳам зиёда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг бу соҳага алоҳида ғамхўрлиги туфайли адибларимиз, адабиёт ва санъат фидойилари айрича иззат-эҳтиромга сазовор бўлмоқда.

ЭЛГА ЭҲТИРОМ, СЎЗГА САДОҚАТ

Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган "Атоқли адиб Иброҳим Ғафуров таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори ҳам фикримиз далилидир.

Шу муносабат билан Чирчиқ шаҳридаги "Кимёгарлар" маданият саройида бўлиб ўтган тадбирда эл ардоғидаги шоиру адиблар ҳамда санъаткорлар, адабиёт ихлосмандлари иштирок этишди. Анжуман том маънода Иброҳим Ғафуров феномени воситасида бугунги ўзбек адабиёти ҳамда таржимонлик санъатидаги янгиланиш ва ўзгаришлар, юксалиш ва ривожланишлар муҳокамасига айланиб кетди. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Бахтиёр Назаров, халқ шоирлари Анвар Обиджон, Маҳмуд Тоир, халқ рассоми Алишер Мирзаев, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Шарифа Салимова, таниқли шоира Ҳалима Аҳмедова ва бошқалар И. Ғафуровнинг мутаржимлик, мунаққидлик, мураббийлик соҳасидаги ибратли фаолияти, юксак инсоний фазилатлари баёнида жўшиб, меҳр-муҳаббатга тўла фикрлар билдирдилар.

Давоми 3-бетда.

Комусимиз – бахтимиз

ОИЛА – КАМОЛОТ БЕШИГИ

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.
63-модда.

Инсон камолоти оиладан бошланади. Унинг жисмоний, руҳий ва ақлий ривожланишига болаликда пойдевор қўйилади. Муқаддас ислом дини оила меваси бўлган фарзандни ҳали туғилмасидан тарбия қилишга киришишни тавсия этади. Бу, энг аввало, ота-онанинг ўзидан одоб-ахлоқли, юксак маънавиятли, ҳалол-пок бўлишни талаб этади. Замонавий тиббиёт ҳам ҳомиладор аёлни ўз зурриёти билан кўпроқ мулоқотда бўлишга чақиради. Ҳомиланинг ташқи муҳитдан таъсирланиши ва илҳомланиши ҳам илмий томондан исботлангани бор гап.

Жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган оиланинг мавқеи кўп жиҳатдан унда вояга етаётган фарзандлар тарбиясига боғлиқдир. Ҳадиси шарифда "Фарзандларингизга замон талабига қараб тарбия беринглар, чунки улар келажак учун яратилгандирлар", деб марҳамат қилинган. Демак, ота-она бўлиш бахтига муяссар бўлган инсон борки, ўғил-қизларини жисмонан соғлом, маънан етук, илм-маърифатли, касб-ҳунар эгаси қилиб тарбиялаши керак. Бу уларнинг жамият олдидаги бурчи ва вазифасидир.

Давоми 3-бетда.

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг 2017 йил 14 октябрь сонида босилган

«БЕМОРЛАР НИМАГА БЕЗОВТА?» сарлавҳали мақолага РАДДИЯ

Аввало, мақола хусусида. Сарлавҳа дуруст танланган, зеро, ҳар қандай тиббиёт ходимининг бирламчи муқаддас вазифаси, бурчи беморларга вақтида, малакали ёрдам бериш, яъни уларнинг ҳеч бир безовта бўлишига йўл қўймаслик. Мақола муаллифи Хуршида Турсунбоева беморлар безовта деб ҳисоблайди ва бу безовталикнинг сабабларини аниқлашга киришади. Вилоят газетасининг мухбири шундай мақсадда қўлига қалам олган экан буни фақат олқишламоқ керак, албатта. Бироқ табиий савол (аниқроғи, саволлар!) туғилади: қайси беморлар ҳақида сўз бормоқда? Улар нимадан безовта бўлишмоқда? Безовталикнинг асл сабаби нимада? Энг муҳими, мухбир мақолада келтирган маълумотларни қайси манбадан олган? Ўзи жойларга бориб аҳволни, амалдаги тартиб-қоидаларни бевосита ўрганганми, таҳлил қилганми, ўзида тўғилган саволларга мақола пухта ва ишончли чиқиши учун мутахассислар билан суҳбат орқали ойдинлик киритганми?

Ана энди мақолада бирма-бир санаб ўтилган ҳолатлар юзасидан жавоб қайтаришга ҳаракат қиламан:

Мутахассис шифокор Қиёмиддин Шарипов Андижонда "бир муддат ишлаганидан сўнг, Келесдаги силга қарши курашиш диспансери бош шифокори Абдувоҳид Содиқов ишга таклиф этади". Аниқлик учун айтишга тўғри келади. Қ. Шарипов Андижонда ишлай олмаслигини айтиб ҳузуримизга келди, мен, яъни мақолада тилга олинган Абдувоҳид Содиқов у кишини ишга қабул қилдим.

"Бу ерда 2017 йилгача фаолият кўрсатади. Ўз хоҳиши билан июль ойида ишдан бўшайди", деб ёзилган мақолада. Демак, ҳамон ходим ўз аризасига – ўз хоҳишига кўра ишдан бўшаган экан, унинг Келесдаги силга қарши курашиш диспансерига даъво қилаётган жойи йўқ. Гап Нуробод қўрғонидаги шифохонанинг жарроҳлик бўлими ҳамон тўла фаолият юритаётгани ҳақида бормоқда. Мухбир эса: "Тақдирнинг ўйинини қарангки, яқинда Келесдаги бош шифокор А. Содиқов Оҳангаронга 1 ой муддатга бош шифокорнинг вақтинча вазифасини бажарувчи бўлиб ишга келади", деб ёзади. Қандай "тақдир ўйини"? деб савол беришга тўғри келмоқда мақола муаллифига? "Тақдир ўйини" ким туфайли пайдо бўлди? Х. Турсунбоева "яқинда" деганда қайси ой, қайси кунни назарда тутмоқда?

Бу саволларга ҳам мухбир истаса жавоб бор эди.

Гап шундаки, Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Н. Абдуллаев раислигида шу йилнинг июнь ойида ўтказилган йиғилишда Нуробод қўрғонида жойлашган вилоят фтизиатрия ва пульмонология шифохонаси фаолияти қониқарсиз деб топилди, шунингдек, жарроҳлик бўлими фаолияти тўхтатилиши ҳақида қарор чиқарилди. Мақолада "бўлимни 7 йил давомида ишлата олишмайди", деб ёзилган. Тўғри, бўлим тўла жиҳозланмаганлиги сабабли у фаолият юрита олмаётган эди. Шундан сўнг, "20 ўринли мазкур жарроҳлик бўлимини юргизиш вазифасини бош шифокор Қиёмиддин Шариповга топширади", деб ёзади мухбир. Қиёмиддин Шариповга бўлимни юргизиш вазифасини топширган бош шифокор ким? У одам айни пайтда қаерда?

Давоми 3-бетда.

Давлат сиёсати – амалда

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2017 йил 15 ноябрь куни ўтказилган видеоселекторда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган долзарб вазифалар белгилаб берилди.

ТАРБИЯ ЙЎЛИДА СОБИТҚАДАММИЗ

Давлатимиз раҳбарининг: "Бугун халқимиз биздан рози бўлиши учун энг аввало, содир этилаётган жиноятларнинг олдини олишимиз ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ишларини талаб даражасига келтиришимиз лозим", деган сўзлари биз, халқ таълими ходимлари зиммасига ҳам янада катта масъулият юклайди.

Видеоселекторда муҳокама этилган масалалардан келиб чиқиб, "Таълим муассасамизда жиноятчиликка йўл йўқ", деган шиорни белгилаб олдик ва мана шу ғояни ёшлар онгига сингдириш чораларини кўрмоқдамиз.

Жумладан, 2017 йил 16 ноябрь куни бошқармамизда таълим муассасалари директорлари, уларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотлари етакчилари иштирокида ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда асосий эътибор видеоселекторда белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилди. Унда ўқувчи-ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

Ҳозирги кунда вилоятимизда 127 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси бўлиб, уларда 85 минг 970 нафар ўқувчи (шундан 41 минг 518 нафари қизлар) таҳсил олади. Ёшларга 6 минг 25 нафар педагог таълим-тарбия бермоқда. Ҳафтанинг ҳар пайшанба куни ўтказилаётган профилактик тадбирларда ўқувчилар ўртасида содир этилган ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар таҳлил этилаётир. Жиноят содир этишга мойиллиги бор ўқувчиларнинг рўйхати шакллантирилиб, уларнинг ҳар бири билан тарбиявий ишлар олиб борилмоқда.

Давоми 3-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҲУНАРМАНДЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

6. Ҳунармандчилик фаолияти субъектлари – "Ҳунарманд" уюшмаси аъзоларига имтиёзли микрокредитлар бериш, шунингдек, 5-иловадаги схемага мувофиқ ҳунармандчиликни ривожлантириш марказлари қуриш учун Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банкининг Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан 5 йил муддатга мўлжалланган жами 50 миллион АҚШ доллари миқдорида, жумладан, "Микрокредитбанк" АТБ, "Халқ банки" АТБ ва "Агробанк" АТБ (кейинги ўринларда тижорат банклари деб аталади) учун 2 йил имтиёзли давр билан 2,5 фоизли йиллик ставка бўйича кредит линияси очиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бир ой муддатда юқорида қайд этилган тижорат банкларига улар томонидан ҳунармандчилик фаолияти субъектларига миллий валютада имтиёзли микрокредитлар ажратиш учун кредит линиялари очишни қуйидаги шартларда таъминласин:

имтиёзли микрокредитлар олти ой имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда, икки йил муддатга, энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баробаридан ошмаслиги зарур;

ўзларининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун асбоб-ускуна ва эҳтиёт қисмлар харид қилишда имтиёзли микрокредитларнинг фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизини, айланма маблағларини тўлдириш учун эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш фоиз ставкаси даражасини ташкил этиши;

имтиёзли микрокредитлар пул маблағларини қарз олувчининг ссуда ҳисоб рақамидан унинг тўлов топшириқномасига мувофиқ, ушбу Фармонда назарда тутилган мақсадлар учун тегишли ташкилот ёки жисмоний шахснинг талаби бўйича депозит ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан кейинчалик ушбу ташкилот ёки жисмоний шахсга хизмат кўрсатувчи банк тариф сиёсатига мувофиқ, нақд пул олиш имконияти билан тақдим этилади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ташаббускорлар ва тижорат банкларининг маблағларини жалб этган ҳолда, 6-иловадаги рўйхатга мувофиқ, 2018-2019 йилларда ҳунармандчиликни ривожлантириш марказларини ўз вақтида қуриш ва фойдаланишга топширишни қуйидагиларга эътиборни қаратган ҳолда таъминласин:

ҳунармандчиликни ривожлантириш марказларини тарихий-анъанавий архитектура услубида қуриш, уларга зарур муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини тортиб бориш ва ҳудудларида карвонсарой (меҳмонхоналар), кафе, ресторан ва туристларни жалб этиш учун бошқа объектларни жойлаштириш;

ҳунармандчиликни ривожлантириш марказлари ҳудудида "тарихий Шарқ бозори" услубида савдо расталари ва халқ ижоди (дорбоз, полвон, масхарабозлар ва бошқалар) кўргазмалари учун махсус жойлар ажратиш;

мазкур марказларда қурилаётган тураржой биноларининг биринчи қаватида устахона ва савдо иншоотлари, юқори қаватларида ҳунармандлар учун тураржойлар ташкил этиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги "Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3268-сон қарори билан тасдиқланган миқдорда 2017-2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ҳунармандчиликда аҳоли бандлигини оширишга имтиёзли микрокредитлар ажратиш учун "Микрокредитбанк" АТБга йиллик 2 фоизли ставка бўйича 50 миллиард сўм миқдорида ресурслар ажратилишини;

банд бўлмаган аҳолига, айниқса, ёшларга "Уста – шогирд" усулида такомиллаштирилган ўқув дастурлари бўйича ҳунармандчилик сир-асрорларини ўқитиш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан 2018-2019 йилларда 1 миллиард сўм миқдорида маблағлар ажратишни таъминласин.

9. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси, шунингдек, Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар "Ҳунарманд" уюшмасига аъзо бўлган ва мазкур Фармоннинг 1-иловасига мувофиқ ҳунармандчилик фаолиятини амалга оширувчиларга берилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Савдо-саноат палатаси, "Ҳунарманд" уюшмаси билан биргаликда ҳунармандлар томонидан, айниқса, ҳунармандчилик билан шуғулланувчи қизларга мини-технологиялар, асбоб-ускуна ва зарур жиҳозларни сотиб олиш учун, шунингдек, айланма маблағларни тўлдириш учун имтиёзли кредитлар берилишини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда ёш ҳунармандлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланадиган мажбурий суғурта тўловлари олинган кредитлар тўлови сифатида ҳисобланиши белгилаб қўйилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига:

тижорат банкларининг буюртманомалари бўйича ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланувчи "Ҳунарманд" уюшмаси аъзоларига ажратилган микрокредитларни тўлаш ҳисобига келиб тушган миллий валютадаги маблағларини конвертация қилишни амалга ошириш;

тижорат банклари ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда тижорат банкларининг расмий веб-саҳифаларида ҳунармандчилик фаолияти субъектлари учун имтиёзли микрокредитлар тўғрисидаги маълумотларни реал вақт режимида олиш имкониятини берувчи электрон хизматларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш тавсия этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, "Ҳунарманд" уюшмасининг 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб ҳунармандчиликнинг талаб юқори бўлган турлари бўйича касб-ҳунар таълими йўналишларини очиш, 7-иловага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфига ўтказилаётган касб-ҳунар коллежларида ўқитувчи ва касбий таълим устаси сифатида "Ҳунарманд" уюшмасига аъзо ҳунармандларни кенг жалб қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

"Ҳунарманд" уюшмасига аъзо ҳунармандларга касб-ҳунар коллежларининг махсус устахоналарида ҳунармандчилик бўйича таълим беришда якка тартибдаги тадбиркорлар каби шартнома тузиш ва кўрсатилган хизмат учун солиқ тўламаслик ҳуқуқи берилади;

"Уста – шогирд" мактаби ўқувчиси сифатидаги иш даври 25 ёшга етгунга қадар энг кам ойлик иш ҳақининг камида 2,5 баробари миқдорида суғурта тўлови тўланган тақдирда меҳнат стажига қўшилади.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

ҳунармандчилик билан шуғулланувчи шахслар учун ташқи реклама воситасини жойлаштирганлик учун маҳаллий бюджетга тўловнинг амалдаги ставканинг 50 фоизидан ошмайдиган имтиёзли тартибини жорий этсин;

икки ойлик муддатда бозорлар, туристик, меъморий-маданий объектлар ҳудудларида, шунингдек, йирик савдо марказларида ҳунармандларга ўз маҳсулотларини сотиш учун барча зарурий шарт-шароитларга эга бўлган савдо расталари ташкил этилишини таъминласин.

13. Белгилансинки:

ҳунармандларга ўз маҳсулотларини экспорт қилишдан тушган хорижий валютани эркин тасарруф этиш, шу жумладан, банк ҳисоб рақамидаги чет эл валютасини нақд шаклда олиш ҳуқуқи берилади;

хорижий мамлакатларда ўтказилган кўргазма, танлов, ярмарка давомида сотилган ҳунармандчилик маҳсулотлари экспорт шартномалари тузилмасдан амалга оширилиши мумкин, бунинг натижасида олинган даромад эса экспорт тушуми ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги Савдо-саноат палатаси, Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Марказий банки, "Ҳунарманд" уюшмаси билан биргаликда:

икки ой муддатда хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма, танлов, ярмаркаларда намойиш этиш учун ҳунармандчилик маҳсулотлари олиб чиқишнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

ташқи бозорларда миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини кенг танитиш функциясини ўзига оладиган Ўзбекистон Республикаси хўжалик субъектларининг хорижий мамлакатларда очилган савдо уйлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг чет элдаги савдо-инвестиция уйлари жалб этилишини таъминласин;

бир ой муддатда маҳаллий тадбиркорларнинг хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма ва ярмаркаларда кенг иштирок этишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплексини тасдиқласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, "Ҳунарманд" уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда халқимизнинг кўп асрлик анъаналари ва маданий ҳаётини кенг ёритиш, халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъатини намойиш этишга йўналтирилган "Шарқ марвариди" Ўзбекистон анъанавий санъат халқаро фестивалининг ҳар йили сентябрь ойида ташкил этилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, "Ҳунарманд" уюшмаси, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

8-иловага мувофиқ, 2018-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳунармандчиликнинг турли йўналишлари бўйича кўргазма ва фестивал-ярмарка давомида сотилган ҳунармандчилик маҳсулотларининг "Олтинқўл ҳунарманд" халқаро кўргазмаси ташкил этилишини таъминласин.

16. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

доимий савдо жойларига эга бўлмаган ва вақтинчалик жойларда савдо қилувчи ҳунармандлар томонидан касса аппаратлари ва савдо терминалларидан фойдаланиш, шунингдек, савдодан тушган нақд пул тушумини тижорат банкларига инкассация қилиш ихтиёрий тартибда амалга оширилади;

ҳунармандлар учун давлат мулки объектлари учун ижара тўлови белгиланган энг кам тўловнинг 50 фоизи миқдорида белгиланади;

ҳунарманд хусусийлаштириш дастури доирасида ("ноль" харид қийматида) сотиладиган давлат мулки объектини олиш истагини билдирган тақдирда, ушбу объект ҳунармандга баҳоланган қийматида (бошланғич инвестиция мажбуриятлари билан) очиқ савдоларга (танловга) қўйилмасдан тўғридан-тўғри шартнома асосида сотилади (берилади);

бир неча ҳунарманд бир объектни ("ноль" харид қийматида) олиш истагини билдирган тақдирда, ушбу объект белгиланган тартибда очиқ савдога (танловга) қўйилади ва унда фақат ушбу ҳунармандлар иштирок этади.

Белгилансинки, ушбу бандда кўрсатилган шартлар асосида ҳунармандларга берилган объектлардан 5 йилдан кам бўлмаган вақт давомида ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида фойдаланилиши лозим.

17. Ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш учун хом ашё ва материаллар билан узлуксиз таъминлаш мақсадида:

"Ўзбекипаксаноат" уюшмаси "Ҳунарманд" уюшмасининг буюртманомалари бўйича ҳунармандларга ипак хом ашёси ва ипак толаси ажратилишини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари икки ой муддатда ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланувчи ҳунармандларга ўз маҳсулотларини сотиш учун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

20. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж. А. Қўчқоров, Савдо-саноат палатаси раиси А. И. Икромов ва Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири А. А. Хаитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 17 ноябрь

Бошланиши 1-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига шарҳ

Қайд этиш лозимки, ўтган йиллар давомида республикамизда миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатининг кўп асрлик анъаналарини сақлаб қолиш, ҳунармандчилик билан шуғулланувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларга қарамасдан, ҳукармандчилик кичик бизнес ва якка тадбиркорлик ривожланишининг кучли мустақил йўналишига айлана олмади.

"Ҳунарманд" уюшмаси, берилган имтиёзлар ва қулайликларга қарамасдан, ўз сафларига ҳунармандларнинг кенг оммасини қамраб ололмади, уюшмага аъзо бўлганлар сони ҳунармандчилик билан шуғулланувчиларнинг кам қисмини ташкил этмоқда. Ҳунармандчилик марказларини сайёҳлик салоҳиятдан кенг фойдаланган ҳолда ташкил этиш ишлари ҳолати қониқарсизлигича қолмоқда, ҳунармандларга молиявий ва хом ашё ресурслари ажратиш, улар ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш, шу жумладан, экспорт қилиш учун шароит яратишга ёрдам бериш ишлари самарадорлиги етарли даражада эмас.

Шунга кўра, ҳунармандчиликни ривожлантириш ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳунармандчилик билан шуғулланишга аҳолини, айниқса, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилаларни жалб қилишга рағбатлантириш мақсадида 2017 йилнинг 17 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Фармон билан республикада миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ер майдонлари ва бинолар ажратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, имтиёзли кредитлар бериш, ҳунармандчилик маҳсулотларини сотиш ва экспорт қилиш, шунингдек, республикамизнинг туман ва шаҳарларида ҳунармандчиликни ривожлантириш марказларини ташкил этиш ва "Уста – шогирд" мактаблари фаолиятини такомиллаштириш ишлари белгиланди.

Фармонга биноан, "Ҳунарманд" уюшмаси сафларига ҳунармандларнинг кенг оммасини қамраб олиш, шунингдек, ҳунармандчиликни кичик бизнес ва якка тадбиркорлик ривожланишининг кучли мустақил йўналишига айланишига йўл бермаётган уюшманинг чекланган салоҳияти билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар белгиланган, жумладан:

"Ҳунарманд" уюшмаси Савдо-саноат палатасига уюшган аъзо сифатида кириши, "Ҳунарманд" уюшмаси раисини мавқеи бўйича Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосарига тенглаштириш;

Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги туман ва шаҳар Тадбиркорларга кўмаклашиш марказлари томонидан ҳунармандларга ўз фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича сўзсиз равишда хизматлар кўрсатиш, шу жумладан, ҳунармандларни ўз бизнесини ташкил этиш ва ривожлантириш кўникмаларига ўргатиш, ҳунармандчилик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, янгитдан ўз фаолиятини бошлаган ҳунармандлар учун кўргазмалар ташкил этишни назарда тутиш.

Ҳунармандчиликнинг юқори талабга эга ва келажакда ривожланиш истиқболи бор турларини тўлиқ қамраб олиш мақсадида Фармон билан ҳунармандчилик фаолияти асосий йўналишларининг янгиланган рўйхати тасдиқланди.

Шуни таъкидлаш муҳимки, Фармонда ҳунармандлар учун имтиёз ва қулайликларни кенгайтириш, шунингдек, уларнинг манзиллилиги ва самарадорлигини кучайтириш кўзда тутилган. Хусусан, 2017 йилнинг 1 декабридан ҳунармандчилик субъектлари – "Ҳунарманд" уюшмасининг аъзолари:

ҳунармандчилик фаолияти маҳсулотлари (товар, иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотишда қатъий белгиланган солиқ тўловидан тўлиқ озод этилади;

ёшга доир пенсия ва нафақа олувчилар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадали тўловидан озод этилади;

ишлаб чиқаришдаги ёки ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўқув даргоҳларидаги ишлаб чиқариш амалиёти даврида ўқувчи ва талабаларга ҳар ойда ҳисобланадиган стипендия ва

Бошланиши 1-бетда.

Зотан, Бош қомусимизнинг 64-моддасида: "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар", деб белгилаб қўйилган. Ўз навбатида, Конституциямизда вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандларга ҳам ўз ота-оналарига ғамхўрлик қилиш мажбурияти юклатилган.

ОИЛА – КАМОЛОТ БЕШИГИ

Сир эмаски, бугунги глобаллашув жараёнида турли ғаразгўй оқимлар, нопок кучлар асосий эътиборини ҳали ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган ёшларнинг онги, қалби ва тафаккурини эгаллашга қаратмоқда. Жаҳолат малайларининг бундай хуружларидан келажагимиз эгаларини ҳимоялашнинг энг самарали усули уларнинг онгу шуурида маънавий ва маърифий иммунитетни ҳосил қилиш, қалбида бунёдкорлик, шукроналик, ватанпарварлик туйғуларини ривожлантириш эканини яхши англамоғимиз даркор. Зеро, терроризм, айирмачилик, гиёҳвандлик, одам савдоси каби янги аср "вабо"ларини бошқа усул билан тўсиб бўлмайди.

Улуғ маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг "Тарбия биз учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот ё ҳалокат, ё саодат ё фалокат масаласидир", деган пурмаъно гаплари бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Шундай экан, фарзанд тарбияси оила, маҳалла, таълим муассасалари ва жамият, бир сўз билан айтганда, ҳар биримизнинг энг муҳим бурчимиз бўлиб қолмоқда. Чунки, муносиб тарбия олган болалар улғайгач, хуш ахлоқли, гўзал одобли, баркамол инсон бўлиб етишади ва икки дунё саодатига эришади.

Азимжон АЛИМЖОНОВ,
"Қодирхон махсум" жоме масжиди имом-хатиби.

ЭЛГА ЭҲТИРОМ, СЎЗГА САДОҚАТ

Адабий анжуманда Иброҳим Ғафуров мансураларидан намуналар ўқилди. Айниқса, Чирчиқ давлат педагогика институти талабаси Мухлиса Муҳаммаджонованинг юбиляр шаънига айтган илиқ фикрлари, ёшликнинг беғубор хаёлларига эш бўлган кузатувлари, таҳлиллари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

"Куч билан, қудрат билан севмоқ керак одамларни...", деган эди Иброҳим Ғафуров. Дарҳақиқат, табиат ва жамиятнинг гултожи бўлмиш ҳазрати инсонни борича севиш ва ардоқлаш учун ижодкорона соҳир қалб, теранлик керак бўлади.

Адабиёт илмининг нуктадони, забардаст ижодкор Иброҳим Ғафуровнинг ҳаёти ва фаолиятига, серқирра ижодига бағишланган бундай учрашувлар ҳали юртимиз бўйлаб давом этади. Вилоятимизда ўтган ушбу тадбир шундай издиҳомларнинг дебочаси бўлди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари Баҳодир Аҳмедов иштирок этди ва устоз ижодкорга вилоят ҳокими табрикномаси ва эсдалик совғаларини тантанавор вазиятда тақдим этди.

Беҳзод ҚОБУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Мансур ҲИММАТОВ олган суратлар.

Бошланиши 1-бетда.

ТАРБИЯ ЙЎЛИДА СОБИТҚАДАММИЗ

Жорий йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида вилоятимиздаги лицей ва коллежларнинг 215 нафар ўқувчиси ИИБ профилактик рўйхатига, 314 нафари эса таълим муассасаларининг ички назоратига олинди. Уларнинг ҳар бирига мураббийлар бириктирилиб, ўқувчилар билан психокоррекцион ишлар олиб борилмоқда. Содир этилган ҳар бир ҳуқуқбузарлик ва жиноят ИИБ ходимлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия вакиллари, МФЙ фаоллари ҳамда ота-оналар иштирокида муҳокама қилинаётир.

Жиноятларда иштирок этган ўқувчиларни ҳудудлар кесимида таҳлил қилганимизда, Бўстонлиқ туманида бу кўрсаткич ўсгани маълум бўлди. Ангрен ва Олмалиқ шаҳарлари, Оҳангарон, Зангиота ва Янгийўл туманларида ҳам жиноятларда иштирок этган ўқувчилар сони кўпчиликни ташкил этади.

Таъкидлаш жоиз, бу ҳолатлар ўқувчилар ўртасида етарли даражада тарбиявий иш олиб борилмаганини кўрсатади. Шуларни ҳисобга олиб, ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараган тўрт нафар маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, уч нафар психолог билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди. Баъзи директор, директор ўринбосарлари, психология фани ўқитувчилари, гуруҳ раҳбарларига ҳам интизомий чора кўрилди.

С. ҲАМРАҚУЛОВА,
Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси маънавий-маърифий ва ахлоқий тарбия масалалари бўлими бошлиғи.

Бошланиши 1-бетда.

2018 йил учун «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарига обуна давом этмоқда!

❑ Семинар

ДАРОМАД ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Бўка туманидаги Й. Ҳожиметов номли фермерлар уюшмасида Президентимизнинг 2017 йил 21 августдаги "2018 йил ҳосили учун август пиёзи ва саримсоқпиёз ҳамда тўқсонбости усулида сабзавот экинларини жойлаштириш, экиш учун талаб этиладиган моддий-техника ресурсларини ўз муддатида етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида семинар ўтказилди.

Унда тумандаги мавжуд боғдорчилик, сабзавотчилик, ғалла-сабзавотчилик йўналишларида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгалари иштирок этди. Улар ҳудуддаги "Гулбаҳор, Навбаҳор, Лола", "Боғбон Юсуфали Элдор", "Рустам ҳосилот", "Раймжон Шохруҳ", "Обод Наврўз агро" боғдорчилик фермер хўжаликларида боғ қатор ораларига тўқсонбости экинлар, саримсоқпиёз, пиёз ва кўкатлар экиш ишларини қандай тартибда амалга оширилаётгани билан яқиндан танишишди.

Семинарда иштирок этган вилоят фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг раиси Т. Тўраев ва соҳа мутахассислари август-сентябрь ойларида тўқсонбости экинлари тўлиқ экилмаган ҳудудларга айни кунги об-ҳаво шароитидан келиб чиқиб, қисқа фурсатларда экиш ишларини амалга оширилиши хусусида тавсиялар беришди.

Худди шундай амалий тадбирлар вилоятимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ўтказилмоқда.

Гулжаҳон ЁМҒУРОВА.

ИТАЛИЯ ҚУЁНЛАРИ БЎСТОНЛИҚДА КЎПАЙТИРИЛАДИ

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ташаббуси билан таъсис этилган "Bo'stonliq Protect Consumer" масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлади. Зотдор қуёнлар етиштиришга ихтисослашган мазкур корхонанинг иш бошлаши муносабати билан кўргазмали семинар ўтказилди.

Унда таъкидланишича, мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантириш бўйича яратилаётган кенг имкониятлардан фойдаланилган ҳолда очилган "Bo'stonliq Protect Consumer" МЧЖ аҳолини сифатли гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида ишга туширилган. Корхона фаолиятининг дастлабки босқичида Италиядан келтирилган зотдор қуёнлар парваришланади. Улар кўпайтирилиб, хўжаликларга қуёнлар, аҳолига эса парҳезбоп гўшт етказиб берилади. Кейинги босқичда қуён терисини қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бунинг самарасида яна йигирмадан зиёд янги иш ўрни яратилади.

Семинарда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган иштирокчилар соҳадаги янгиликлар, қуёнларни парваришлаш усуллари, маҳсулотларни тайёрлаш ва уларни экспорт қилиш каби масалалар бўйича маълумотларга эга бўлди.

Шунингдек, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси тизимида сўнгги йилларда амалга оширилаётган ишлар, яратилган иш ўринлари, келгусида бажарилиши лозим бўлган режалар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ўз мухбиримиз.

ОҒУФУРУШЛАРНИНГ ЙЎЛИ ТЎСИЛДИ

XX аср жаҳонга буюк кашфиётлар билан бирга аср вабоси – гиёҳвандликни олиб келди. Бу вабо минглаб оилалардаги соғлом муҳит ва ширин ҳаётни издан чиқарди. Кўплаб одамларни ўз домига тортиб, ёстиғини қуритди, десак, муболаға бўлмайди. Бу жараён давом этаётгани ташвишланарли.

❑ Агар огоҳ сен...

Инсон манфаатларини ҳимоя қилиш давлатимизнинг бош мақсадига айланган жорий йилда қўштирноқ ичидаги "инсон"лар гиёҳванд моддаларни истеъмол қилгани етмагандай, унинг олди-сотдиси билан шуғулланаётгани юракларга оғриқ беради.

Юртдошларимиз Азиз Қамбаров, Шуҳрат Аҳмедов ва Неъмат Ориповларни (исм-шарифлар ўзгартирилган) ана шундай кимсалар қаторига қўшиш мумкин. Уларни "гашиш" ва "опий" чекишга бўлган эҳтиёж бирлаштирган.

Маълумки, гиёҳванд моддалар олди-сотдиси билан шуғулланувчилар осон пул топади. Ҳалол маблағга эга бўлиш учун эса куч-қувватни сарфлаб, жон койитиб ишлаш талаб этилади. Бир пайтлар А. Қамбаров, Ш. Аҳмедов ва Н. Орипов ҳам ана шундай меҳнат эвазига моддий эҳтиёжларини қондирган. Кейинги йилларда учовлон йўлдан адашди – астасекин жиноят кўчасига кирди. Гуруҳ аъзолари гиёҳванд моддаларни сотиб олиб, фойдасига сотиш, шу орқали ҳам хуморини босиш, ҳам чўнтакларини қаппайтиришни ўйлади-ю оқибатини, соғлигини, ойласини ўйламади.

Бир куни улар Аваз ва Ўткир исмли шахслардан оғирлиги 3 грамм бўлган "опий" ни 120 минг сўмга олиб, граммини 200 мингдан сотишни режалаштиради. Харидор ҳам топилади. А. Қамбаровнинг хонадонида оғу "мижоз"га 600 минг сўмга сотилиб, пули тенг тақсимлаб, қолган 10 грамм "опий" ва бир грамм "гашиш") олади. Учовлон "Осмондан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик!" дея мазкур "иш"га меҳр билан киришади. Хуллас, харидорларга гиёҳвандлик моддалари етказиб берилади. Орадан кунлар, ойлар ўтади. Ҳаммаси жойида.

Чўнтакда пул бор. Чеккани "гашиш" ва "опий" "деҳқончилик" бўлиб қолди. Энди савдо-сотиқ ишлари кўламини кенгайтирмоқ лозим. Шу мақсадда юрган А. Қамбаров ва Н. Орипов Келес шаҳрига йўл олади. Уларни кутиб олган эски "мижоз"лари 10 грамм "опий" кераклигини, бунинг учун 300 доллар тайёрлигини, қолганини иш пишгач, беришини айтади. Иш муваффақиятли амалга ошганидан хурсанд шериклар кўп ўтмай, янги "буюртма" (уч грамм "опий" ва бир грамм "гашиш") олади. Учовлон "Осмондан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик!" дея мазкур "иш"га меҳр

ни ўйламади.

Бир куни улар Аваз ва Ўткир исмли шахслардан оғирлиги 3 грамм бўлган "опий" ни 120 минг сўмга олиб, граммини 200 мингдан сотишни режалаштиради. Харидор ҳам топилади. А. Қамбаровнинг хонадонида оғу "мижоз"га 600 минг сўмга сотилиб, пули тенг тақсимлаб, қолган 10 грамм "опий" ва бир грамм "гашиш") олади. Учовлон "Осмондан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик!" дея мазкур "иш"га меҳр

ди. Қисқаси, жиноий шериклар "Темирни қизиғида бос!" мақолига амал қилиб, шу куни ишни битириб, келишилган маблағни ундиради. Осон йўл билан пул топишга ўрганган бу кимсалар навбатдаги "буюртма"ни бажариш чоғида – жиноят устида қўлга олинади. Тегишли суд ҳукмига биноан бир неча йил озодликдан маҳрум этилади.

Жиноят кўчасига кирган бу шахслар қайсидир юртдошимизнинг яқин инсони – кимнингдир севимли ёри, кимнингдир отаси, яна кимнингдир акаси, укаси. Албатта, уларни бундай йўлга кириб кетишига турли сабаблар мавжуд. Нима бўлган тақдирда ҳам, бу каби ҳолатларнинг олдини олишга барчамиз масъулмиз. Инсон катта ҳаётга қадам қўяр экан, аввало, жамиятда ўз ўрнини топишга интилиши керак. Бунга эришиб, орзу-ниятлар сари дадил одимлаши зарур. Орзу-ниятларга эса осонликча эришиб бўлмайди. Аввало, ҳаётни чуқурроқ англаш учун ўқиш, изланиш, тинимсиз ва ҳалол меҳнат қилиш даркор. Зеро, "Тоққа чиқмасанг – дўлана қайда", дея бежиз айтилмаган. "Меҳнатнинг таги – роҳат", деган мақолни ҳам тез-тез тилга олиб турамиз. Булар – асрлар оша сайқалланган иборалар. Уларнинг ўзагида роҳатга фақат ва фақат пешона тери, ҳалол меҳнат орқали эришилади, деган ҳикмат жамланган.

Саид МУҚИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Реклама ва эълонлар

Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан йўловчи ташиш йўналишларини жойлаштириш юзасидан 2017 йил 27 сентябрь, 17 октябрь кунлари ўтказилиши лозим бўлган очиқ тендер савдолари бўйича комиссия йиғилиши комиссия таркибининг тўртдан уч қисмидан кам комиссия аъзолари қатнашганлиги (кворум бўлмаганлиги) сабабли қолдирилди. 2017 йил 27 сентябрь, 17 октябрь кунлари ўтказилиши лозим бўлган очиқ тендер савдоларининг ўтказилиш санаси 2017 йил 24 ноябрь кунига белгиланди.

"Respublika mulk markazi" MCHJ "Toshkent mintaqaviy filiali" бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Сижжак қишлоғида сақланаётган:

1. Нексия ВСД русумли, давлат рақами 10 374 САА бўлган, 2000 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз, бошланғич баҳоси – 13 458 000 сўм;
2. ГАЗ САЗ 450901 русумли, (ўзи агдарувчи), давлат рақами 10 626 ТАА бўлган, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич баҳоси – 20 343 000 сўм;
3. УАЗ 31519 русумли, давлат рақами 10 372 САА бўлган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич баҳоси – 11 142 000 сўм.
4. Экскаватор Э.О. 26/28 Беларусь русумли, давлат рақами 63-24 ЗХ бўлган, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, трактор, бошланғич баҳоси – 22 085 000 сўм;
5. Прицеп тракторный техник носоз, ишлаб чиқарилган йили номаълум, бошланғич баҳоси – 2 230 000 сўм;
6. Электронасосный агрегат, 2001 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз, бошланғич баҳоси – 360 000 сўм;
7. Компрессорная станция Д 243 Дизель ПР-8/07 русумли, 1996 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз, бошланғич баҳоси – 8 100 000 сўм;
8. Сварочный агрегат карбюраторный АДБ-3122..У1 русумли, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз, бошланғич баҳоси – 5 422 223,27 сўм;
9. Передвижной сварочный агрегат дизельный, Дизель Д144 русумли, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз, бошланғич баҳоси – 22 567 075,15 сўм;
10. Цистерно емкость металлическая для ГСМ ишлаб чиқарилган йили номаълум, техник соз, бошланғич баҳоси – 3 055 373,61 сўм;
11. Цистерно емкость металлическая для ГСМ 4.5, ишлаб чиқарилган йили номаълум, техник соз, бошланғич баҳоси – 2 235 243,11 сўм;
12. Цистерно емкость металлическая для ГСМ (мослаштирилган 3.7) ишлаб чиқарилган йили номаълум, техник соз, бошланғич баҳоси – 974 512,15 сўм;
13. Электролизная установка ЭН-5 русумли, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, 2 дона бошланғич баҳоси – 7 494 597 сўм;
14. Аппарат "БИОСОРБ" 1995 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич баҳоси – 81 093 471,86 сўм;
15. Фильтр Пресс РОМ 25, 1995 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз, бошланғич баҳоси – 13 248 604,25 сўм;
16. Шибер 1995 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич баҳоси – 815 347,21 сўм;
17. Решетка дробилка 1995 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич баҳоси – 2 544 303,04 сўм;
18. Опора решетка 1995 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич баҳоси – 136 638,98 сўм;
19. Бак металлическая, техник носоз 1995 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 611 816,32 сўм;
20. Вентилятор ВЦ-14-46 2 дона 1995 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич баҳоси – 766 457,50 сўм автотранспорт воситалари ва асбобускуналар қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2017 йил 22 декабрь соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охирги муддати 2017 йил 20 декабрь соат 18.00 гача. Автотранспорт воситалари шу куни сотилмаса, такрорий савдолар 2017 йил 29 декабрь, 2018 йил 5 январь кунлари соат 11.00 да ўтказилади. Аризалар қабул қилиш 2017 йил 29 декабрь савдолари учун 27 декабрь соат 18.00, 2018 йил 5 январь савдолари учун 3 январь соат 18.00 да тўхтатилади. Талабгорлар закалат келишув шартномасини имзолаб, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги ҳисоб рақамига: 20208000500571452142, МФО 01036, ИНН 200933850 тўлашлари шарт. Савдо голибига 5 банк куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй. Тел.: 233-28-52. Расмий сайт: www.rmm.uz. Гувоҳнома № 001805.

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг 2017 йил 14 октябрь сонида босилган

«БЕМОРЛАР НИМАГА БЕЗОВТА?»

сарлавҳали мақолага

РАДДИЯ

Х. Турсунбоева нима сабабдан қизиқиб кўрмади бу билан? Нега суриштирмади? Ўша бош шифокор қаердалигидан хабари борми?

Афсуски, тергов ишлари бораётганлиги сабабли бу ўринда у одамнинг исм-фамилиясини матбуотда келтириш одобдан эмас. Лекин шу нарса аниқки, ўша бош шифокор айни пайтда СОБИҚ. Жиҳозланмаган, демак, жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун талабларга жавоб бермайдиган бўлимни қандай асосларга кўра Қ. Шариповга топширган, бу томони бизга қоронғи.

Кўринадики, Х. Турсунбоеванинг наздида "тақдир ўйини" бўлиб кўринган воқеанинг юз беришига каминанинг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Балки А. Содиқов ўз хоҳишига кўра эмас, балки тилга олинган вилоят шифохонасида (фақат жарроҳлик бўлимидаги эмас) аниқланган нохуш ҳолатларни тартибга келтириш мақсадида Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси буйруғи асосида (2017 йил 23 август кунидаги 03-54 рақамли) бир ой муддатга вақтинча бош шифокорликка тайинланган.

Мақоладаги қуйидаги жумлалар тўғри ёзилган: "А. Содиқов ишга тайинланган кейин жарроҳлик бўлими фаолиятини текширишга тушади, жиҳозлар қаердан келтирилганини сўраб-суриштиради. Шу мақсадда комиссия тузилади." Кўринишдан тўғридек таассурот қолдирадиган жумлалардаги киноя ва пичинг мутлақо ўринсиз эканлигини муаллиф тушуниб етмайди. Шифохонадаги муҳитни соғломлаштириш вазифаси билан атайин сафарбар этилган вақтинчалик бош шифокор жарроҳлик бўлимидаги аҳволни ўрганишга киришгани, шу мақсадда комиссия тузилгани, нима, гуноҳми? Нотўғрими? Асосисми? Зарур жиҳозлари бўлмаган бўлимда жарроҳлик амалиётини ўтказишдан тап тортмаслик охир-оқибат оғирроқ безовталикка олиб бормайдими беморларни?! Безовта қилишдан кўра оғирроқ асоратларга олиб бориш эҳтимоли ортмайдими?! Қолаверса, камина бир ой муддатга фақат жарроҳлик бўлимидаги эмас, умуман шифохонадаги маънавий муҳитни соғломлаштириш, ходимларнинг тўлақонли ишлашлари учун шароитлар яратиш мақсадида йўлланганлигини такрор таъкидлашга тўғри келади.

Қ. Шарипов гўё мухбирнинг, мухбир орқали газетхонларнинг нозик асабларига тегадиган мисол топади. "Мен шифокор сифатида жароҳатидаги йирингни олиб, бирламчи ёрдам кўрсатдим. Бош шифокор эса: "Бу ишни яширинча қилган" деб, менга ҳайфсан эълон қилди. Жуда хафа бўлдим".

Мақола муаллифи шифокорнинг хафа бўлганига ачинади ва "Олий тоифали шифокор, жарроҳ, соғлиқни сақлаш аълочиси Қиёмиддин Шарипов бундай ноҳақликка чидолмай, порталга мурожаат қилади", деб унга ҳамдардлик билдиради. Ваҳоланки, "Олий тоифали шифокор, жарроҳ, соғлиқни сақлаш аълочиси" сифатида айтинг-чи, беморга тегишли тартибда консилиум ўтказмай туриб, унга ёрдам кўрсатиш (боринг-ки, йирингни тозалаш)га рухсат этиладими?" деб савол қотса эди ва Қ. Шарипов холис жавоб берса эди – олам гулистон бўларди. Ҳеч қандай шикоятга ўрин қолмас эди.

Шифохонадаги муҳитни соғломлаштириш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда чора-тадбирлар кўрилаётган, айни шу сингари тартибсизликлар, ўзибўларчиликлар туфайли фаолият қониқарсиз деб топилиб турган бир кунларда на бош шифокор, на шифокор муовини, на бош ҳамширага хабар қилмай (пинҳона, десак ҳам муболаға бўлмайди!) ўтказилган жарроҳлик амалиётини газета саҳифасида бу қадар бўяб-бежаб таърифлашни қандай баҳолаш мумкин?!

Шифохонада ҳатто энг оддийсидан тортиб, то энг мураккаб жарроҳлик муолажаси махсус консилиум (маслаҳат) асосида ташкил этилади. Ҳатто, шошилинч марказ ва бўлимларда ҳам маслаҳатлашмай (консилиум ўтказмай) жарроҳлик муолажаси ўтказиш қатъиян тақиқланади, қандай жиҳозлар кераклигини, ҳатто нарх-наволаригача рўйхат тузади.

Кези келганда, эслатиш жоизки, ҳозирда Нуробод қўрғонида жойлашган вилоят фтизиатрия ва пульмонология шифохонасида янги бош шифокор иш бошлади.

Хулоса қилиб айтганда, газетада эълон қилинган "Беморлар нимага безовта?" мақоласи воқелик мутлақо ўрганилмай туриб, ўринсиз ҳисҳаяжонларга берилган ҳолда, зарурий ҳужжатлар билан танишмай-нетмай ёзилган ва чоп этилган. Мухбир Х. Турсунбоева учун Қ. Шариповнинг шикояти асос бўлган, холос. Шикоятнинг ўзидан мақола ясаган. Шикоят эса қанчалик нохолис битилгани, ҳар жиҳатдан асосланмаганлиги юқорида келтирилган мулоҳазалардан (Сизга тақдим этилаётган иловалардан) кўринган турибди. Соғлиқни сақлаш тизимига, шифокорларга, қолаверса, беморлар манфаатига бу қадар юзаки муносабат, енгил-елпи хулосалар чиқариш биз ҳурмат қилиб ўқийдиган вилоятимиз газетаси шаънига ҳам, унинг мухбири шаънига ҳам мутлақо шараф келтирмайди.

А. СОДИҚОВ,
Тошкент вилояти силга қарши кураш диспансери бош шифокори, вилоят бош фтизиатри, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Европа ўпка касалликлар жамияти аъзоси, олий тоифали соғлиқни сақлаш ташкилотчиси.

Бошланиши 1-бетда.

❑ Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

ШОШ-ИЛОҚ ЭКСПЕДИЦИЯСИНИНГ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси ташкил этган илмий-этнографик экспедиция Оҳангарон дарёсининг Убайд, Шоабдумалик ва Парписой қишлоқлари ҳудудидан ўтган чап қирғоғи бўйлаб давом этган навбатдаги сафаридан самарали натижалар билан қайтди.



Экспедиция таркибида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тарих ва археология институтлари, Санъатшунослик институти, Ўзбекистон санъат академияси олимлари, Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи мутахассислари ва журналистлар бор эди. Археологлар Саида Илёсова ва Эмилия Вульферт ноёб картографик ва тарихий ҳужжатлар асосида, янги археологик ёдгорликларни қайд этиш ва ўлчаш билан шуғулландилар. Санъатшунослик институти бўлим мудири Абдуманноб Зиёев ҳар доим гидек, қадимий шаҳарлар эгаллаган ҳудудларни археология мактабларининг асосчилари қолдириб кетган эски топономик сурат ва классик чизмаларга асосланган ҳолда ўрганди.

Истеъдодли график-рассом, республика Санъат академияси аъзоси, халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси бош архитектори Муҳаммад Фозилий архитектура объектлари бўлажак лойиҳаларининг барча янги хомаки нусхасини қоғозга туширди. Дизайнер Машҳура Саломова каштадўзлик ва гиламдўзлик каби халқ ижодиёти намуналарини, шунингдек, Оҳангарон воҳаси қишлоқлари аёллари ноёб гилам, шолча, чойшаб тўқийдиган уй дастгоҳларини ва халқ усталари ясаган буюмлардаги қурамача нақшларни синчковлик билан ўрганди.

Таъкидлаш жоизки, бу ердаги ҳар бир тарихий объект ўзига хос янги мавзу бўлиб, у келажакда очиқ осмон остидаги мақбара, музей ёки гўзал экологик боғ тарзида рўёбга чиқади.

Археологлар хушманзара Урғозсой волийсида илгари маълум бўлмаган 6 та археологик ёдгорликни топдилар ва рўйхатга киритдилар. Урғозсойнинг сўл қирғоғида Урғозқоратош деб аталувчи ноёб ёдгорлик-қалъа сақланиб қолган. У 1934 йилдаёқ академик М. Массон, 1961 йилда эса Чотқол-Қурама археологик отряди (Ю. Буряков) томонидан белгилаб қўйилган эди.

Бу тўғри бурчакли мустаҳкам қалъа юксак қояда жойлашган. Унинг уч томон девори табиий, тўртинчиси эса йирик тошлардан тикланган. Бу жуда қадимий манзил бўлиб, ўрта (V-XII) асрларгача бўлган уруғдошлик тузуми давридаёқ, одамлар кўчиб келиб, ободонлаштирилган.

Урғозқоратош қалъаси ёнида Ғавсулаъзам муқаддас қадамжоси бор. Бу жой сўфизмнинг Қодирия жамияти билан боғлиқ бўлиб, унга шайх Абдуқодир Ғилон асос солган.

"Олтин мерос"нинг вилоят бошқармаси айни вақтда объектни лойиҳалаштириш билан шуғулланмоқда. Бу иш ниҳоясига етгач, ушбу ёдгорлик жой тубдан қайта тикланади.

Урғоз – Оҳангарон водийсидаги тоғли қишлоқлардан бири. Бу ердаги аҳоли қадимий урф-одатлар ва анъаналарни ёдда сақлайди. Мазкур анъана, аввало, аёлларнинг моломоларидан ўрганган, моҳир қўллари билан яратган ҳунармандчилик буюмлари ҳамда устозлардан авлодларга мерос бўлиб келаётган фольклорда яққол намоён бўлмоқда.

Экспедиция қатнашчилари Шовғозсой водийсида Хожаэлсурхота, деб аталувчи ноёб жойнинг кенг ҳудудини кўздан кечирдилар. Хожаэлсурхота – тарихий шахс бўлиб, сўфий устоз ҳисобланган. У бу ерга оға-инилари билан келиб, бир умрга қолди. Маҳаллий аҳоли бешта муқаддас қабрни авайлаб сақламоқда. Эътигага ушбу авлиёлар дафн этилган тоғда қадимда чиллахона бўлган. 80-йилларда у вайрон бўлди. 2000-йилларда яхши одамлар собиқ чиллахона ўрнида кичкина хона тикладилар.

Бу ерда ноёб бир тош ҳам сақланиб қолган. Бир неча аср илгари тоғ чўққисида пайдо бўлган бу тош узоқдан яққол кўриниб, шаклу шамойили ва туси билан одамларни ҳайратга солади.

Қадимги қабрлар, антиқа тошлар, узоқ ўтмиш аждодларимиз тоғлардаги ғор деворларида қолдирган сирли ёзувлар – булар ҳаммаси она заминимиз тарихининг ҳали ўқиб улгурилмаган китобидир. Шу боис, ҳар бир экспедиция ушбу боқий солноманинг лоақал битта саҳифасини ўқишга уринишдир.

Қадимий Саққокет, кейинчалик Шовкетга айланган шаҳар ҳозирги Убайд қишлоғи ўрнида бўлган. Бир оз юқорида эса, яна битта археологик ёдгорлик бор. Ривоятларга қараганда, бу ерда узоқ ўтмишдаги авлиёлар мангу ором топган. Шу боис, халқ бу жойни пирхона, яъни пирлар, устозлар макони, дейди.

Биз ташриф буюрган қишлоқлар аҳолиси ҳикоя қилиб берадиган афсона ва ривоятлар бисёр. Демак, биз улар билан ҳамкорлик қилишимиз лозим. Зеро, экспедиция рўйхатда бўлмаган 10 та археологик ёдгорлик, 2 та янги муқаддас қадамжо, халқ усталари яратган амалий санъат асарларининг 10 дан зиёд тимсолини топди.

Хулоса қилиб айтганда, экспедиция жуда кўп ашёлар олиб келди. Энди улар устида ишлашимиз керак. Олдинда эса янги йўналишлар бўйича сафарлар кутмоқда.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,
халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси бошлиғи.

Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт

ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ БЕКОБОДГА КЕТДИ

Вилоятимизнинг "Металлург-Women" жамоаси бу йилги футбол мавсумини олтин дубль билан якунлади. Бекободлик футболчи қизлар жорий мавсумда илк маротаба мамлакат чемпионлигига сазовор бўлган эди. Яқинда улар Ўзбекистон кубогида ҳам бош совринга эга чиқди.

"Металлург-Women" жамоаси мамлакат кубоги финалида Тошкентнинг "Бунёдкор-Women" футболчилари билан куч синашди. Пойтахтдаги "Жар" стадионида ўтказилган учрашув кескин ва муросасиз курашларга бой бўлди. Гарчи учрашувдаги ҳисобни пойтахтликлар ҳужумчиси Наргиза Абдурасулова очган бўлса-да, бекободликлар иродали ўйин намойиш этиб, мағлубиятни ғалабага айлантирди.

Учрашувда Маҳлиё Сарикова рақиб дарвозасига иккита, Диёра Ҳабибуллаева битта тўп киритиб, жамоасининг 3:1 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади. Шундай қилиб, "Металлург-Women" фаолияти давомида учинчи марта Ўзбекистон кубогига сазовор бўлди.

МАРРА УЗОҚ, ТЕЗЛИК ЮҚОРИ

Узоқ масофага югуриш ва спортча юриш бўйича ўтказилган Ўзбекистон очиқ чемпионатида вилоятимиз атлетлари муваффақиятли иштирок этди.

Фахрий спортчилар ўртасида бир километрга югуриш мусобақасида вакилларимиздан Евгений Киршин биринчи ўринни эгаллади. Уч минг метрга ўтказилган баҳсда эса Турсунбой Холбоев ва Дилфуза Аллаярова ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди.

Ўсмирлар ўртасида тезкорлик кўрсатган Бегали Рихсиев беш километрлик масофани биринчи бўлиб босиб ўтди. Яна бир беллашувда Жуманазар Абдураҳмонов иккинчи бўлди. Қизлардан Виктория Морозова, Моҳина Шомамутова бронза медалга эга чиқди.

Турли ёш тоифасида ўтказилган ярим марафон – 21 минг 97,5 метр масофага югуришда вилоятимиз вакилларидан Ҳасан Мирсоатов олтин ва кумуш, Наврўз Тожиддинов кумуш, Владислав Мамедов ҳамда Маҳбуба Салимова бронза медални қўлга киритди.

Кескин ва муросасиз баҳслар якунига кўра, Тошкент вилояти спортчилари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринга лойиқ топилди.

ТАЛАБАЛАР БЕЛЛАШУВИ

Чирчиқ давлат педагогика институтида барча факультетлар талабалари ўртасида "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур" шиори остида мусобақа ўтказилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида мамлакатимизда ёшларни жисмонан соғлом ва маънан етук қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, бу жараёнда жисмоний тарбия ва спорт ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишнинг муҳим воситасига айлангани алоҳида таъкидланди.

Мусобақа иштирокчилари эстафета, армрестлинг, арғамчида сакраш ва ҳалқа айлантириш бўйича куч синашди. Ўзаро дўстона рухда ўтказилган беллашувлар натижасига кўра, югуриш эстафетасида "Жисмоний маданият" факультети жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Қизлар ўртасида эса "Мактабгача таълим" факультети жамоасига тенг келадигани топилмади.

"Жисмоний маданият" факультети талабалари турган жойида узоққа сакраш бўйича ҳам барча рақибларини ортда қолдирди. Қизлар мусобақасида "Рус тили ва адабиёти" факультети жамоаси ғолиб чиқди.

Талаба қизлар иштирокидаги ҳалқа айлантириш ва арғамчида сакраш баҳслари жуда қизғин кўриниш олди. Ҳалқа айлантиришда маҳорат кўрсатган Лобар Жумаева ҳамда арғамчида сакрашда энг юқори натижа қайд этган Ниҳола Муродбоева биринчи ўринга лойиқ кўрилди.

Билаги бақувват армрестлингчилар беллашувида "Биология" факультети талабаси Беҳруз Зокиров зафар қучди.

Тошкент шаҳридаги Марказий ҳарбий-спорт клуби базасида пневматик қуролдан ўқ отиш бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон кубоги мусобақасида вилоятимиз мерганлари юқори натижаларни қайд этди.

МЕРГАНЛАР МАҲОРАТИ

Ўғил болалар ўртасида пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича шахсий биринчиликда шоҳсупанинг энг юқори икки поғонаси вилоятимиз вакиллари – Суҳроб Мирзажонов ва Ойбек Асиловга насиб этди.

Мусобақанинг иккинчи кунида ўсмирлар ва қизлар аралаш жуфтлик баҳсларида ўз маҳоратини синовдан ўтказди. Унда Ойбек Асилов сурхондарёлик Наталья Сластаён билан бирга энг кўп очко жамғариб, олтин медалга сазовор бўлди.

Шахсий биринчиликда чемпион бўлган Суҳроб Мирзажонов эса хоразмлик Олима Комилова билан ҳамкорликда 501,4 очко тўплаб, иккинчи ўринни эгаллади.

Вилоятимиз шарафини ҳимоя қилган мерган қиз – Диёра Эрматова ҳамда пойтахтлик Дмитрий Силаев жуфтлиги кучли учликдан жой олди.

Ўзбекистон кубоги якунига кўра, энг кучли мерганлар мамлакат ёшлар терма жамоасига қабул қилинди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ тайёрлади.

❑ Табиат шифохонаси

Америкалик олимларнинг янги тадқиқоти ёнғоқларнинг инсон организмига ижобий таъсирини яна бир карра исботлади. Унга кўра, ҳафтасига икки сиқим ёнғоқ еган одамнинг юрак қон-томир касалликларига чалиниш хавфи 25 фоизгача камаяр экан.

ЁНҒОҚНИНГ ЯНГИ СИРИ

Таъкидлаш жоиз, юрак қон-томир касалликлари инсон ўлимига сабаб бўлаётган ва энг кўп тарқалган хасталикларандир. Олимларнинг 200 минг киши ўртасида ўтказган тадқиқотида ёнғоқнинг барча турлари ўлимнинг бош сабабчиларидан ҳисобланган юрак фаолияти билан боғлиқ касалликларнинг олдини олишда асқотиши маълум бўлди.

Бодом, писта ёки пекан ёнғоғини ҳафтасига икки ва ундан кўп марта истеъмол қиладиганларнинг қон-томир касалликларига чалиниш мойиллиги кескин пасайди. Ер ёнғоқ ҳам юрак билан боғлиқ хасталикларнинг пайдо бўлиш хавфини 15 фоизгача камайтириши аниқланди. Оддий ёнғоқ истеъмол қилган инсонларда хавфли касалликлар пайдо бўлиш эҳтимоли паст бўлиши айтилмоқда.

– Тадқиқотимиз сурункали касалликларнинг олдини олиш учун рационга ёнғоқнинг турли кўринишларини жорий этиш ҳақидаги тавсияларни тасдиқлади, – дейди Марта Гуаш-Ферре.

Ёнғоқлар таркибида антиоксидант, оқсил, озиқавий моддалар, минераллар кўплиги туфайли улар юрак қон-томир хасталикларидан ташқари, саратон, қандли диабет, нафас йўллари касалликлари ва меминация каби дардларнинг ҳам олдини олиши исботланган.

З. АҲМАДОВ тайёрлади.

АСАБИЙ ОДАМ

(Ҳажвия)

Бозорга кетаётгандим. Автобус бўшроқ экан, ўтириб олдим. Аммо кейинги бекат – "Анжирзор"га келганда автобус одамзорга айланиб кетди. Бирданига элликка яқин одам чиқса бўладими! Нафас олиб бўлмайди. Бир йигит елкамга миниб олай деб кетаяпти-да. Нари туринг, деб бўлмайди, ҳаммаёқ одам-да! Автобус "Қовунзор" бекатига яқинлашганди, йигит табассум ила сўради:

– Мабодо тушмайсизми, ака?

– Йўқ-йўқ, тушмайман.

– Хаёлга чўмиб қолибсиз, яна ўтиб кетиб қолманг, дейман-да.

"Қандай ажойиб одамларимиз бор-а, бирам меҳрибон", деб ўйлай кетдим.

Хаёлимни яна ўша йигит бўлди:

– Ака, "Ўрикзор"га яқинлашаяпмиз, мабодо тушмайсизми?

– Йўқ, ҳали анча юраман. "Ўрикзор" ортда қолди.

– Кейингиси "Олчазор", ака, – деди йигит.

– "Олчазор" бўлса нима қилибди?

– Мабодо тушсангиз...

– Тушмайман, биродар, тушмайман! Охирги бекатгача бораман, – асабийлаша бошладим.

Йигит икки бекат жим кетди. Сўнг яна турди:

– Ака, бургага аччиқ қилиб, кўрпани куйдирманг. "Пахтазор" бекатига яқинлашиб қолдик.

– Тушмайман, охирги бекатгача бораман, дедим-ку, укажон, мунча сўрайсиз! Тушмайман, тушмайман, тушмайман!..

Йигит индамади, аммо асабларим тугади. Зардам қайнаб, адойи тамом бўлдим. Ҳали манзилимгача уч-тўрт бекат бўлса-да, шаҳд билан ўрнимдан турдим.

– Ҳа, ака, тушасизми? – сўради у.

– Тушаман, жон ука, тушаман.

– Яхшилаб қаранг, – йигит йўлимни тўсди, – балки ҳали бордир?

– Йўқ, етиб келдим, тушаман.

– Манзилга етмай тушиб, пиёда лўкиллашдан ёмони йўқ, аммо...

– Етдим, тушаман! – одамлар орасидан туртиниб-суртиниб ўтдим-да, автобусдан сакраб тушдим.

"Яхши йигит" ортимдан гап отиб қолди:

– Тушар экан-у, олти бекатдан буён сўрайман, тушмайман дейди-я, одам ҳам шунақа асабий бўладими?

Саид АНВАР.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 22 ноябрь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2-4, кундузи 18-20 даража илиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2-7, кундузи 15-20 даража илиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-5 даража илиқ, тоғли жойларда 0-5 даражагача совуқ, кундузи 9-14 даража илиқ бўлади.

XXI аср ва ДУНЁ

Самолёт ишлаб чиқариш бўйича дунёнинг етакчи компанияларидан бири – Airbus учувчисиз учадиган Vahana электр самолётини намойиш этди.

ЭЛЕКТР САМОЛЁТ УЧУВЧИСИЗ УЧАДИ

Янги ишланма шаҳар ҳудудида хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Airbus вакиллари бу транспорт тури ёрдамида ўйирик "кент"лардаги тирбандлик муаммосини ҳал этмоқчи. Мутахассислар бунинг ечимини учар таксилар тармоғини яратиш билан боғламоқда.

Куни кеча бу масала ечимига қаратилган лойиҳа асосида биринчи тайёр учар қурилма – Vahana тақдим этилди.

Айтишларича, бу ҳали тажриба қурилмаси. Унинг якуний кўриниши умуман бошқача бўлиши мумкин. Бироқ, унда ҳозирнинг ўзидаёқ асосий ечимлар бор, улар шаҳарликларнинг ҳаракатланишини яхшилаши керак.

Vahana электр самолёти парвозга вертикал ҳолда кўтарилади, шунинг учун шаҳарда унга учиш йўлаклари ёки қўниш учун махсус шароитлар талаб этилмайди. Ихчам ишланган конструкция туфайли у автомобилдан кўп жой эгалламайди. Синовлар келаси йили бошланади. Агар янгича транспорт тури синовдан муваффақиятли ўтса, 2022 йилдан хизмат кўрсатишда фойдаланилади.

ЭНДИ МАШИНАЛАР БИР ДАҚИҚАДА ҚУВВАТЛАНАДИ

Электрокар яратишга ихтисослашган Fisker компанияси электромобиллар учун аккумулятор ишлаб чиқариш соҳасида илғор ишланма тайёрланганини эълон қилди.

Компания вакилларининг айтишларича, бир қувватланишда 800 километр масофа босишга имкон берувчи батарея яратилган. Энг аҳамиятли томони шундаки, янги турдаги аккумуляторни тўлиқ қувватлаш учун бир дақиқадан камроқ вақт кифоя қилар экан.

Электрокар соҳасида етакчилардан ҳисобланган Tesla компаниясининг бир қувватланишда энг узоқ юрувчи модели 540 километр йўл боса олади. Лекин унинг батареясини қувватлаш учун камида ярим соат талаб этилади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10
Масъул котиб: 233-12-83
Бўлим муҳаррирлари 233-38-23, 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Назоратчи мусаҳҳиҳ Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма V-525. Адади 6 865. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 20.20.